



ISSN 2410-3586

УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА

научный журнал



6-2
2019



УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА

международный научный журнал

№ 6-2 (53), июнь 2019 г.

Редакционная коллегия

*А.В. Бурков, д-р. экон. наук, доцент (Россия), главный редактор.
Е.А. Мурзина, канд. экон. наук, доцент (Россия), технический редактор
В.В. Носов, д-р. экон. наук, профессор (Россия),
О.Н. Кондратьева, д-р. фил. наук, доцент (Россия),
Т.С. Воропаева, канд. психол. наук, доцент (Украина),
К.В. Дядюн, канд. юрид. наук, доцент (Россия),
У.Д. Кадыров, канд. психол. наук, доцент (Узбекистан),
Т.В. Ялялиева, канд. экон. наук, доцент (Россия),
Н.В. Щербакова, канд. экон. наук, доцент (Россия),*

*Учредитель:
Scope Academic House LTD*

*Издатель:
Scope Academic House LTD*

*Адрес редакции:
Office 1 Velocity tower
10 st. Mary's gate
Sheffield, S Yorkshire, United Kingdom, S1 4LR*

*Редакторы:
Е. А. Мурзина (Россия)
Bred Foreston (Великобритания)*

Дизайн обложки: Студия PROекТ

Распространяется бесплатно.

Полное или частичное воспроизведение материалов, содержащихся в настоящем издании, допускается только с письменного разрешения редакции. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов. Статьи публикуются в авторской редакции.

uch21vek@gmail.com

Сетевое распространение на <http://www.uch21vek.com>

© Scope Academic House LTD

СОДЕРЖАНИЕ НОМЕРА

<i>Технические науки</i>	
Determination of the probability of failure of trackings in the tracking systems <i>A.O. Ataullayev, Sh.N. Mardonov</i>	3
<i>Исторические науки</i>	
From the history of bazaars and trade in Tashkent at the end of the XIX th - the beginning of the XX centuries <i>N.S. Abdusamatova</i>	8
Philosophical features of ethnocultural tourism <i>T.R. Safarova</i>	12
Culture in the epoch of Amir Temur and the Temuris <i>B.S. Turdiev</i>	16
<i>Педагогические науки</i>	
Methods of using interactive methods in higher education <i>Kh.E. Abdunosirova, D.Z. Kayumova</i>	19
The role of pedagogical technologies in the development of educational efficacy <i>M.T. Yusupova</i>	22
Socialization of a person during the teen years <i>K.M. Mamaraimov, F.I. Avezova</i>	25
Using the information technologies in the teaching process of foreign languages <i>Kh.I. Daulanova</i>	28
The efficacy of projects method in teaching of foreign languages <i>M.A. Usmonkhodzhaeva</i>	30
<i>Психологические науки</i>	
The role of the family in the development of personality <i>G.M. Normuradova</i>	32
Psychological features of anorexia nervosa <i>R.T. Nigmatova, I.N. Nigmatillaeva, F.S. Umarova</i>	37
Formation of self-consciousness of future doctors as a purpose of pedagogical activity <i>F.A. Abduganiev</i>	42
The culture of speech in future doctors <i>S.K. Shodmonov, Yo.R. Rakhmonova</i>	45
<i>Филологические науки</i>	
Phraseological conceptualization of the emotion of "Sadness" in the different type languages <i>Yu.Sh. Nurmukhammedov</i>	48
<i>Философские науки</i>	
Zoroastriyskiy doctrine and rituals <i>Yu. Safarov</i>	53
<i>Экономические науки</i>	
Basic concepts of population employment <i>K.I. Vurtceva</i>	56
<i>Информация для авторов</i>	58

Abstract

The article discusses the definition of ethnocultural tourism and its resources in Uzbekistan. Particular attention is paid to the essence of ethnocultural tourism, the need to develop the natural and cultural heritage in our country, the local manifestation of ethnic cultures. Ethnocultural tourism is based on the preservation and use of natural and cultural heritage, reflecting the uniqueness of the region.

Key words: ethnocultural tourism, culture, natural and cultural heritage, resource, destination, historical object, people.

XXI аср бошларида туризм жаҳон социомаданий маконини ташкил қилиш ва ўзлаштиришнинг ўзига хос жараени, янги маданий шакли сифатида, турмуш тарзи сифатида, иқтисодийнинг динамик соҳаси сифатида ҳозир бўлмоқда. Туризм феноменининг мураккаблиги унинг амалий тадбиқ этилишида мужассамлашган бўлиб, у иккита зиддиятли тенденция билан шартланади. Бир томондан, туризм танлаш, бир жойдан бошқа жойга кўчиш, ўзлаштириш эркинлигига, гетерогенликка, маданиятлар тажрибасининг биргаликда мавжуд бўлишини қўллаб-қувватлашга, биргаликда ҳаракат қилишга тайергарликка, бир хилликка эмас, балки кўп хилликка интилишга имкон беради. Иккинчи томондан, глобал туристик экспансия ўхшашликлардаги қадриятларнинг ўзгариб бориши мумкинлиги имконини берадики, бу ҳол этномаданий яхлитлик балансининг бузилишига ва сунъий ўхшашликнинг тузилишига олиб келиши мумкин. Туризм замонавий маданиятнинг ҳодисаси сифатида ўзини маданиятнинг функционал моҳиятида, маданият элементлари ва воситаларида, маданиятга таъсир қилиш омилларида тиклайди ва акс эттиради.

Ҳозирги пайтда этномаданий туризмнинг жаҳондаги роли ва аҳамияти доимий тарзда юксалиб бормоқда, унинг ривожланиш интенсивлиги эса мамлакат, минтақа, халқнинг маданий ва табиий потенциалининг қимматли эканлиги тан олиш билан белгиланади. Бу эса нафақат маданиятшунослик позициясидан, балки бизнес учун ҳам жозибадор бўлиб қолади. Этномаданий ва маданий туризмга бундай ендашув “маданият учун ресурслар” ҳақидаги анъанавий кўрсатмалардан “маданият ресурс сифатида” концепциясига ўтиш динамикасини рағбатлантиради.

“Этномаданий туризм” тушунчаси оммавий онгда XX аср 90-чи йилларида пайдо бўлди ва мустақамланди. У халқлар ва элатларнинг этномаданий чегаралари емирилишининг глобал жараенларига жавоб тариқасида ҳамда минтақанинг маданий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиетининг ресурси сифатида пайдо бўлди. Бу ерда этномаданий туризм тушунчасининг таърифини келтириш ўринли бўлади.

“Этномаданий туризм – бу истиқомат қилаётган мамлакатда ўз миллий-давлатчилик еки миллий-маъмурий тузилишга эга бўлмаган камсонли халқларнинг яшаётган жойларига ташкил қилинаётган сафарлардир. Этномаданий туризм ана шу халқлар вакилларининг янада торроқ алоқаларига, алмашинувларига, уларнинг маданиятини бутунжаҳон маданий меросига киритилишига кўмаклашади” [2, с.143].

“Этномаданий туризм – бу туристик фаолликнинг ҳар хил шаклларининг мажмуи бўлиб, бу шакллар этномаданий соҳа феноменларининг хилма-хиллигини билишга интилиш билан шартланади” [1, с.82].

Минтақавий туризм, минтақанинг туристлар ташрифи учун жозибали ҳудуд (жой) сифатидаги, бетакрор табиий ва маданий меросга эга бўлган

¹Сафарова Тумарис Рустамқуловна – докторант кафедрa «Основы духовности и религиоведения», Национальный университет Узбекистана, Узбекистан.

маданий қадрият сифатидаги, замонавий шароитларда этномаданий туризмнинг минтақавий тизимини ривожлантириш концепцияси сифатидаги дестинацияси муаммоси жуда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Этномаданий туризм ижтимоий феномен сифатида гуманитар илмий тадқиқотларда асосан глобаллашув жараенларининг кенг миқёсларида ижтимоий, психологик, антропологик ҳодиса сифатида қўриб чиқилади. Шунингдек, этномаданий туризмни минтақа халқларининг табиий-маданий меросини ўзлаштириш маъносида, этник маданиятларнинг локал намоен бўлишларида фалсафа ва маданиятшунослик нуқтаи назаридан ҳам қўриб чиқиш мумкин. Чунки табиий ва маданий меросни ўзлаштириш шакли сифатида этномаданий туризм барча минтақавий ҳудудлар учун, ва, айниқса, аҳолиси полиэтник таркибга эга бўлган минтақалар учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Этномаданий туризм миллий-маданий ўхшашлигини англашга, ўз этник маданиятини, индивидуаллигини сақлаб қолишга қодир бўлган ва қўпмиллатли муҳитда фаол иштирок этишга тайер бўлган шахснинг этномаданий моҳиятини шакллантиришга қўмаклашади.

Сўнгги йилларда анъанавий маданиятлар туризм билан фаол равишда бир-бирига тутшиб кетмоқда. Аҳоли вакиллари сервис-намойиш фаолиятига мақсадли жалб қилинмоқда. Булар ҳаётий фаолиятининг анъанавий шаклларида, этномиллий урф-одатларга ва диний дунёқарашга туристлар қизиқишининг ошиб бориши билан боғлиқдир. Туристларни алоҳида олинган табиат манзаралари ва маданият ёдгорликлари эмас, балки уларнинг яхлитлиги, ўзаро боғланганлиги ўзига жалб қилмоқда. Тарихий ёдгорликлар, мемориал жойлар, халқ ҳунармандчилиги, музейлар – буларнинг барчаси моддий ва маънавий маданият объектларидир. Улар фақат ресурсларнинг бир қисмини ташкил қилади. Маҳаллий аҳоли билан бевосита мулоқот натижасида эса турмушнинг бу томонлари ҳақида янада тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилинади. Бу эса, ўз навбатида, конкрет бир халқнинг еки минтақавий ҳамжамият маданиятини унинг яхлитлигида, тарих ва замонавийлик бирлиги, моддий ва диний-маънавий амалиятининг бирлиги сифатида тушунишни назарда тутди.

Ўзбекистоннинг табиати ранг-барангдир. Бу ерда тоғлар, саҳрою даштлар, дарелар, қуриб бораётган Орол денгизи, ғорлар, тарихий ёдгорликлар мавжуд. Қорақалпоқларнинг тили ва маданияти, хоразмликларнинг лаҳжаси ва қўшиқчилик ва рақс санъати, Риштон қулолчилиги, Бухоро зардўзлиги, Марғилон атласи, Сурхондаре маданияти, Алпомиш ва Гўрўғли каби дostonчилик санъати, мақомчилик санъати, миллий либослар, миллий кураш, миллий ўйинлар, сайиллар, дорбозлик ва қўғирчоқбозлик кабилар этномаданий туризмни ташкил қилиш учун бетақрор ресурс, дестинациянинг улкан потенциали ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистонда қўплаб халқларнинг вакиллари истиқомат қилишади, уларнинг миллий-маданий марказлари фаолият юритмоқда. Республикамизда қўплаб музейлар ҳам бор.

Этномаданий туризмни ташкил қилиш туристларни замонавий жонли маданият билан таништиришга, маҳаллий аҳолининг анъаналари, урф-одатлари, кундалик ҳаёти, кун тартиби, ва хулқ-атвор стереотиплари билан таништиришга имкон беради. Бошқача айтганда, бундай ендашув аҳолининг анъанавий турмуш тарзини замонавий натурал тикланишида ўтмишдаги маданий меросни ўзлаштиришга қўмаклашади, ўмаклашади, бу эса халқ ҳаётининг табиий-маданий ареалини англаб етишни шакллантиради.

Халқ маданиятининг санъат, илм-фан, дин, тарих каби элементлари туристларда катта қизиқиш уйғотади. Халқлар санъатини, жумладан, халқ ижодиетини ўрганиш этномаданий туризмнинг таркибий қисми ҳисобланади. Айнан санъат ёдгорликларида халқнинг ўтмиши ва ҳозирги куни, маънавий ҳаётининг бетақрор томонлари намоен бўлади. Халқ ҳунарлари, касб-корлари туристларда алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки улар халқнинг маиший ҳаёти, турмуш тарзи ва меҳнат турлари, маданий анъаналари ва урф-одатлари билан боғланган, ҳамда маҳаллий бадий маданиятнинг ўзига хослигини тасаввур қилиш имконини беради. [3, с.131-132].

Халқнинг ҳаёти ҳамма вақт табиатнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган, чунки табиат керакли материалларни ва уларга ишлов бериш усуллари етказиб

берган, санъат мазмунининг манбаи бўлиб хизмат қилган, унинг эмоционал тузилишига ва кўринишига таъсир қилган. Халқ усталарининг қўлларида табиатдаги энг оддий материаллар: лой, металл, суяк, темир, ёғоч, зиғирпоя ва бошқалар санъат асарларига айланган. Асрлар давомида халқ ижодиетида энг яхши шакллар, ажойиб нақшлар, бўёқларнинг бирлиги танлаб олинган ва маромига етказилган.

Тарих ҳар бир минтақанинг маданий жиҳатдан айниқса сиғимли потенциали ҳисобланади. Кўпчилик туристик йўналишлар тарихга авайлаб-асраш муносабатида бўлади ва уни туристик оқимларни жалб қилишнинг омили деб ҳисоблайди. Туристтик йўналишларда бетакрор тарихий объектларнинг мавжудлиги минтақадаги туризмни ривожлантиришда муваффақиятли омил бўлиб хизмат қилади. Тарих ва тарихий объектлар билан танишиш – туризмдаги энг кучли ундовчи сабабдир. Минтақадаги тарихий мерос туристик бозор сари силжиши кераклигини тушунган туристик ташкилотлар ҳудуддаги тарихий потенциал ҳақида ахборотни тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланадилар. Тарихий ресурс маданий ва табиий мерос билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун буларнинг барчаси туристик ташкилотларнинг рекламаларида, буклетларида ўз аксини топади.

Демак шундай ҳулосага келиш мумкинки, этномаданий туризм ўлка, ҳудуддаги миллий табиий ва маданий меросни сақлашга, улардан рационал фойдаланишга хизмат қилади. Этномаданий туризмнинг мақсади ҳар бил вилоят ва ўлкадаги ана шу ноеб меросдан туристик мақсадларда фойдаланишдан, ўлка ва ҳудуд ноеблигини очиб беришдан, табиий ва маданий меросга асраб-авайлаш муносабати тизимини яратишдан иборатдир.

Этномаданий туризм жаҳон маданиятининг ҳодисаси бўлиб, ўз навбатида, шу маданиятнинг турли томонлари ва тавсифларини, унинг моҳиятини, кўринишларини, шакл ва функцияларини “жонли” тарзда очиб беришга ва идрок қилишга, англашга кўмаклашади. Аниқ мисолларда ҳам маълум бир тарихий даврлар ва цивилизацияларнинг тараққиёт даражаси билан танишиш мумкин, ҳам кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳаларининг такомиллашув даражалари билан танишиш мумкин. Воқеликни идрок қилишнинг билиш, ахборотли, трансляцион, регулятив, аккумулятив ва иқтисодий томонлари фаоллашади, тарихий ворислик омиллари визуаллашади. Ҳар қандай турнинг ўтказилиши даврида “ўзгалар”нинг социомаданий макони билан танишиш ва уни ўзлаштириш содир бўлади; ҳар бир турист ҳам “ўзгалар”, ҳам ўзининг социумидаги табиатга, жамиятга ва алоҳида инсонга муносабатни компаратив жиҳатдан таҳлил қилишга уринади.

Этномаданий туризм миллий характерлар, менталликлар, архетипларни аниқлаш, уларни ўрганиш ва солиштиришга, улар билан таништиришга кўмаклашади. Халқлар маданиятидаги анъаналар, новациялар ҳам туризм орқали очиб берилиши мумкин.

Этномаданий туризм жаҳон иқтисодиетида асосий ўринлардан бирини эгаллаб, бутунжаҳон ялпи миллий маҳсулотнинг ўндан бир қисмини таъминлайди. Иқтисодиетнинг ушбу тармоғи шиддатли суръатлар билан ривожланмоқда ва яқин йилларда унинг муҳим секторларидан бири бўлиб қолиши мумкин.

Этномаданий туризмнинг моҳияти шундаки, у туристларни, сайёҳларни алоҳида олинган халқ, элат, этноснинг ўзига хос ва бетакрор маданияти, дини, санъати, анъаналари, урф-одатлари ва оғзаки ижоди билан таништиради.

Этномаданий туризм иқтисодий майдондан ташқарида ётадиган муҳим ижобий хусусияти билан фарқланадики, у алоҳида олинган камсонли халқлар маданияти ва анъаналарини сақлаиб қолинишини таъминлашдан иборатдир.

Ҳулоса тариқасида шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда этномаданий туризмнинг халқларнинг табиий-маданий меросини ўзлаштириш шакли сифатидаги аҳамияти ошиб бормоқда ҳамда минтақавий этномаданий туризмни ривожлантириш маҳаллий хусусиятларга мос келадиган ишончли шакл ва усулларда мавжуд ресурсларни кўрсатиши ва намойиш қилишга, уларни сақлаб қолишга хизмат қилиши керак.

Адабиетлар рўйхати:

- [1] Бутузов А. Г. Этнокультурный туризм. – М.: КНОРУС, 2013. - 248 с.
- [2] Зорин И. В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Менеджмент туризма. Туризм как вид деятельности. – М.: Финансы и статистика, 2001. - 143 с.
- [3] Федорова С.Н. Этнокультурный туризм как культурологический феномен: сущность и структура.// Вестник СВФУ. 2014. Том 11. №4. С.129-135.

© Т.Р. Safarova, 2019.
